


**БИРИНИ
УСТУН**



ПРЕЗИДЕНТ

НЬЮ-ЙОРКДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз ҳукумати делегацияси 22-24 октябр кунлари Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида иштирок этди.

ВАЗИРЛАР

МАҲКАМАСИДА

ЙИҒИЛИШ

24 октябр куни республика Вазирлар Маҳкамасида иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг туққиз ойлик яқунлари ва йил охиригача бу борада бажарилиш керак бўлган ишлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Республика Бош вазири А. Муталов бошқарган йиғилишда, шунингдек, мамлакатимизда қиш мавсумига тайёргарликнинг аҳволи ҳам қўриб чиқилди.

ҚУШИЛМАСЛИК

ҲАРАКАТИ

ҚАТНАШЧИЛАРИ

КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Шу йил 18-20 октябр кунлари Колумбиянинг Картахена шаҳрида Қушилмаслик ҳаракати қатнашчилари бўлган мамлакатлар давлат, ёки ҳукумат бошлиқларининг XI конференцияси бўлиб ўтди. Унда 113 мамлакат делегацияси, 30 мамлакатнинг президенти ёки бош вазири қатнашди. 20 дан зиёд мамлакат эса конференцияга ўз қўзғатувчиларини юборди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг уринбосари А. Қосимов бошчилигидаги республикаимиз делегацияси қатнашди.

ҚЎҒИРЧОҚ

ТЕАТРЛАРИ

ФЕСТИВАЛИ

Тошкентда 22 октябр куни Ўзбекистон қўғирчоқ театрларининг бешинчи аъъанавий фестивали бошланди. Маданият ишлари вазирлиги билан Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси биргаликда уюштирган мазкур анжуман «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтмоқда. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар қўғирчоқ театрлари, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларидан, Россиянинг бир қанча шаҳарларидан ижодий жамоалар қатнашмоқда.


САҲОВАТ БОР

БЎЛСИН

Навий вилояти Қўзи оғизлар жамиятига қарашли ўқув ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси йиллик режаларини олдиндан бажариб бўлишган эди. Ишлаб чиқаришдан олинган фойда эса илччи-хизматчиларнинг иқтимоий муҳофазасига сарфланмоқда. Яқинда саховатли Навоий тоғ-металлургия комбинати ушбу корхонага янги «РАФ» русумли автомашинасини ҳада тарзида бепул топширди.

Матбуот ва ўз муҳбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди

Самарқандга борсангиз агар...



Сиёб бозори.

Н. МУСОМОВ олган суратлар

Кундан кунга янги-янги кашфиётлар, тадқиқотлар, ихтироларнинг яратила бориши инсониятнинг билиш чегараси янада кенгаётганлигидан дарак беради. Демак, ажабтовур янгиликлар яратилар экан, технологиянинг, компютер-

ХОШИРА

ларнинг янги авлодлари дунёга келиши шубҳасиздир. Аммо ҳеч уйлаб қурганмисиз, бу «темир-терсақлар» ақлли, онгли мавжудот бўлган инсондан узиб кета олади-

ҚЎВВАШИ

ми? Мутахассисларнинг фикрича, инсон мияси олий даражадаги компютер экан. Чунки у ўз хотирасида 125 триллион 250 миллиард «шифр»ни

Ажабо!

бемалол сақлаб қола олади. Афсуски, компютерларнинг энг сунгги авлоди қувваи-ҳофизаси ҳам бундан ўн баробар кичик ҳисобланади.

А.САҒАРОВ



Туркистон бир —
Ватан бир

АВТОБАНКНИНГ ҚИРГИЗИСТОНГА ЮРИШИ

Қирғизистон Миллий банкининг расмий хабарига кўра, шу йил охиригача мамлакатда Россия иқтисодида ўз макеига эга бўлган Автобанк иштирокидаги банк ташкил этилади. Россиялик банкирлар янги банк устав фонднинг 53 фоизини беришмоқчи ва ўз навбатида чиқариладиган акцияларнинг ҳам шунча миқдори уларнинг иштирокида бўлади.

МАМЛАКАТ АЭРОПОРТДАН БОШЛАНАДИ

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳри аэропортини қайта таъмирлаш учун 4 миллион АҚШ доллари ажратди. Хиндистоннинг «Тания констракш» компанияси таъмирлаш ишларини 50 кун ичида бажаришни ўз зиммасига олди. Шундан сунг аэропорт 300 тоннагача юк кўтариш қувватига эга бўлган самолётларни ҳам қабул қила бошлайди.

ЕР ЭГАСИНИ ТОПГАЧ...

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов 1996 йилнинг 1 февралигача фуқароларга сўғориладиган ва лалми ерлардан 50 минг гектар ер бериш ҳақида фармон чиқарди. Фармонга кўра, лалми ерлардан 0,5 гектаргача, сўғориладиган майдонлардан эса 0,15 гектардан ер бериладиган бўлди. Шу йил билан мамлакатнинг озик-овқат, жумладан дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини маълум даражада қондириш кўзда тутилмоқда.

ҚУРИЛИШДА ТАРТИБ ЎРНАТИШ УЧУН

Республикада ўтказилган текшириш «Туркменистоннинг сейсмик ҳудудларида биноларни лойҳалаштириш ва қуриш тартиби тўғрисида»ги қарор деярли бажарилмаётганини кўрсатди. Маҳаллий қурилиш ташкилотлари билан бирга бу борада чет эл фирмалари ҳам бебошлик қилишавтгани маълум бўлди. Жумладан, Италиянинг «Прожект энд Ханделс», Хорватиянинг «Индустроградня», «Бридас» Туркменистон-Аргентина қўшма корхонаси, «Юнокал АҚШ» нефт-газ компанияси ва бошқаларнинг бу борада «илгорлик қилишавтгани» ҳақида «Туркменская искра» газетаси ёзади.

САБРНИНГ ЧЕГАРАСИ

Туркменистон ва Арманистон ҳукумат бошлиқларининг Ашхободдаги учрашувида Кавказорти республикасининг газ учун қарзини қандай узиши масаласи муҳокама этилди. Лекин томонлар бу борада аниқ бир қарорга келолмадилар. Туркменистон вице-премиер Валерий Отчерцов агар Арманистон пулини ўз вақтида тўлаб туриш мажбуриятини олса, 1996 йилда бу мамлакатга 2,2 миллиард кубометр турман газ етказиб берилишини айтиди.

Баркамол авлод учун

ШАХМАТ ВА ТАРБИЯ

Тарихдан маълумки, 1927 йилда республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш институти ташкил топган. Кейинчалик эса шу йўсинда ҳукуматнинг алоҳида дастур ва курсатмалари эълон қилина бошланди. Натижада янги яслилар, туруқхоналар, санаторийлар ишга тушди. Бу саяъ-ҳаракатлар ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялашни таъминлаган бўлса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. 30-йилларнинг бошларида болаларни мактабларга жалб этиш, ўқитиш, тарбия бериш ишлари йўлга қўйилган, мактабдан ташқари муассасаларни, туғаракларни тузишга ҳам катта эътибор қаратилди.

Айтиш мумкинки, билимдон шахматчиларимиз ҳам уларни бирлаштирган ана шундай туғаракларда тахсил курган эдилар. Чунончи, В. Смирнов, Ю. Авербах, М. Тайманов, Т. Петросян, В. Корчной, М. Таль, Б. Спасский, А. Карпов сингари забардаст гроссмейстерлар ҳам шундай даргоҳларда тарбия топганлар. Ҳозир эса ёшлар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, уларнинг қошида шахмат бўлимлари фаолият кўрсатаётди. Ҳатто баъзи жоиларда махсус болалар ва ўсмирлар шахмат мактаблари ташкил этилди. Бундан ташқари, баъзи умумий таълим мактабларида ҳам шахмат дарслари ўтилмоқда, ҳатто болалар боғчаларининг тарбиявий ишлар режасида шахмат машғулоти ҳам ўз урнини эгаллаб бормоқда. Мактабгача ёшдаги болалар билан шахмат машғулоти бериш учун ҳам юқорида зикр этилган ташаббуслар ишлари зарур эди. Бунга эрта эмасмикин, деган савол туғилиши табиий, албатта. Бу саволга педагогика фанлари академиясининг мактабгача тарбия илмий тадқиқот институти директори А. Запорожец жавоб бериб, жумладан шундай деганди: «Ҳозирги вақтда бутун дунё олимларининг диққат — эътибори ўсишнинг мактабгача ёшдаги болаларда яширинган улкан потенциал имкониятларига жалб этилганлиги. Институтимизда, шунингдек, чет элларда ўқазилган педагогик, психологик ва физиологик текширишлар 5-6 ёшар болаларда билимларни ўзлаштириш даражаси ҳамда умумий ўсишнинг потенциал руҳий-физиологик имкониятлари ҳозиргача фарз қилингандан кўра анча юқори эканлигидан далолат беради. Бинобарин, бундай ҳулосалар 6 ёшар бола мактаб машғулотларига функционал жиҳатдан тайёрлигини тасдиқлар экан, бу мактабгача тарбия ёшдаги болалар ўртасида ҳам шахматни кенг ом-

малаштиришга йўл очади. Москва, Санкт-Петербург ва бошқа шаҳарлардаги баъзи болалар боғчаларида шахмат ўргатиш йўлга қўйилиб борилаётган, Одесса, Ригадаги шахмат-шашка мактабларида боғча ёшдаги кичкинтойлар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этилаётган бўлсада, ҳозирча республикада бундай тажриба ўтказилаётгани йўқ.

Яқинда мен бир дустимнинг суҳбатига бўлган эдим. Одатдагидай, Фишеру Карповдан бошланган гурунгимиз тугагач, у менга чиройлигина бир портфелни кўрсатиб, ичидаги шахмат тахтачасига ишора қилди: «Бу йил мактабга боради. Ҳозирнинг ўзидаёқ баъзан мени ҳам эзиб ташлаяпти».

Ҳуш, кичкинтойларни шахмат ўйнига жалб этишдан нима фойда? деб ўйларсиз. Маълумки, улар жудаям сабрсиз бўладилар. Аммо болаларга хос кўнгина машғулотлар учун ҳам улар диққатни бир жойга туллашни, изчиллик билан натижа эришишни билишлари даркор. Ўқитиш ёки мажбур қилиш билан бундай фазилатларни орттириш жуда қийин. Қолаверса, ҳамма гап ҳавас уйғотишда, ҳоҳишда ва уни вужудга келтиришда. Шахмат ўйнашда ҳам мажбур этиш ярамайди.

Умуман ўйин — болаларнинг жони. Шахмат ҳам шаклан ўйиндир. Шахмат доналари бола учун гўё аjoyиб-гаройиб ўйинчоқларга ўхшайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўйин жараёнини мураккаб йўл билан эмас, қизиқарлироқ қилиб тушутирилса бас. Масалан, «Бор эканда йўқ экан. Қадим замонда бир подшо утган экан. Унинг иккита ўғли бўлиб, бирининг оти Оқ шахзода, иккинчисининг оти Қора шахзода экан. Оталари ўлгач, шахзодалар ўртасида ўзаро жанжал чиқибди ва бир бирларига қарши уруш эълон қилбдилар. Уруш бўлаверибди, қўлпаб одамлар ўлибди. Подшои олам дебди бир донишманд Оқ шахзодага, ижозат этсангиз мен сизни ўқангиз билан яраштириб қўйсам. Мен бунинг аломат бир йўлини билсам. Донишманд кўлтигидан олачипор бир тахтачан олибди-да, унга гаройиб доналарни тика бошлабди. Ҳамма ҳайрон эди. Бунинг шахмат дейдилар, бу шунчаки қизиқ ўйинки, киши бунда ҳамма ташвишнинг унутди, дебди донишманд. Сунгра эса у шахзодага ўйинни ўргатишга киришибди. Шахзода ўйинга шунчалик берилиб кетибдики, кечасию кундузи тахтадан бош кўтаролмабди. Орадаги низошни унутиб ўқасига чопар юборибди. Ва ярашишга кўнса унга аjoyиб бир нарсани кўрсатишнинг ваъда қилибди. Шундай қилиб улар ярашишибди. Шахзодалар энди фақат шахмат тахтасида «жанг» қиладиган бўлиб қолишибди. Уруш барҳам топгандан эса ҳаммининг



боши осмонга етибди». Мана шунга ўхшаш тарзда бошланган шахмат дарси қайси бир кичкинтойни ўзига тортмайди, дейсиз. Фан олти ашар боланинг мустақил фаолият кўрсатишга бутун вужуди билан интилувчан эканлигини тасдиқлайди. Бу ёшда болаларнинг «ўзим» деган хитобини ҳам кўп эшитгансиз. Ана шунинг учун ҳам улар ўрта-юшга ўзига хос мусобақа ташкил этиб, уларни «жанг»га солиш керак. Бола ҳам катталардек чинакам ҳис — туйғулор оғушида нафас олади. Демак унинг учун шахмат ҳам шунчаки ёғоч доначалари эмас, балки у қўмондонлик қилаётган жонли қўшиндир. Агар биз боланинг қалбига йўл топиб, унинг аjoyиб дунёсида кеза олсак шундагина унга чинакам уртоқ бўла оламиз.

Шахматнинг ўзига хос оламига савҳат қилиш бола ақлининг маъвум манتيқий тушунарларни илғашига кўмаклашади. Шунингдек, шахмат ўйини бола тасаввурини кенгайтириб, хотириани ўстиради. «Жанг» қилишга қизиқиб қолган боланинг тоқатсизланмай бир жойда ўтиришига, айна вақтда диққат — эътиборини катта тахтадаги ўйин жараёнига қаратишига шўбҳаланмас ҳам бўлади.

Шахмат ўйнайдиган болалар кунлироқ бўладилар. Шахмат ўйини пайтида шундай чигал вазиятлар тез-тез такрорланиб турадики, уларни тўғри ечиш учун мавжуд вариантларнинг энг қулайини топа билиш талаб этилади. У эса боланинг эҳтигача ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Дастлабки пайтдаёқ фойдаси яққол кўзга ташланмайдиган шахмат кейинчалик ўқиш ва меҳнатда қўл келиши мукаррардир.

Пировардиди, жамиятимизга баркамол авлод тарбиялаб етказиш учун ёшлар руҳан, ақлан ва жисмонан чинқилишининг янгича омилларини излаш лозим, деб ўйлайман.

Мамажон МУХИДДИНОВ

Онажоним табият

Ўқилон

Сиз уни биласиз. Кўрган ёки ҳеч бўлмаса у ҳақда эшитганингиз бордир. Ўқилон ҳақида халқимиз орасида ҳар хил ривоятлар юради. Айтишларича, унинг ўқилон деб ном олишига танасининг қаттиқлиги ва учраган жонотни ўқдек учиб бориб тешиб ўтиши сабаб эмиш. Аммо бу гаплар ҳақиқатга тўғри келмайди.

Бир пайтлар хизмат сафаридида юрган кезларимиз, республикамиз яйловларидан бирида шеригим билан ўқилонни учратиб қолдик. Шунда биздан 20 қадамлар нарида қўй боқиб юрган чўпон орқасига қарамаздан» Хой ўқалар, қочинглари, ўқилон ҳозир таналарингизни тешиб ўтади», — дея қочиб қолди. Мен унинг олдида бориб ўқилон ҳақидаги ривоятларнинг ҳаммаси ёлгон эканлигини айтдим, турган гапки у менинг сўзларимга ишонмади. Шу пайт шеригим илоннинг ҳаракатини мен томонга бурди, чўпон ҳалиям бояги гапни такрорлаб бақирар-

ди. Илон эса шиддат билан шундоқина менинг ёнимдан ўтиб кетди...

Ўқилон фақат саҳроларда эмас, тоғ этакларида, водийларда ҳам яшайди. У калтакесаклар ва ҳашоратлар билан озиqlанади. Ўз ўлжасини бугма илон каби бугиб, сунг ейди. Кези келганда ўзи ҳам йиртқич қўшлар, типратикан ва тулқиларга ем бўлади.

Мамлакатимиз ҳудудида яшайдиган ўқилонлар июн ойида учтадан еттигача тухум қўяди. Август ойининг бошларида тухумдан илончалар чиқади ва улар тухумдан чиққан заҳотиёқ мустақил яшаш йўлига ўтиб кетаверадилар.

Салқин тушиши билан ўқилонлар ер ёриқларининг пастки қисмига ёки сичқон ва каламушлар инига кириб то баҳорга қадар жон сақлайдилар.

Ўқилон мамлакатимизда кам учрайдиган илонлар турига кирганлиги сабабли иложи борица уни ўлдирмаслик жоиз.

Асқар ХОЛМУМИНОВ

Алҳазар!

...КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Заҳри қотил ҳисобланмиш наркотик моддаларнинг асоратидан ер юзида юзлаб одамлар ҳаётдан куз юмаяпти. Яқинда бу заҳри қотил дастидан эс — ҳушини таниган киши эмас, балки норасида гудак дунёдан ўтди. Америка Қўшма Штатларининг Нью-Мексика штатидаги Альбукерк шаҳрида яшовчи, наркотик моддаларга муккасидан кетган аёл хонадонидеда жиноят содир бўлди. 2 ёшли гудак 11 ойлик сингилчасини наркотик модда билан заҳарлади. Қаровчисиз уйда ўйнаб юрган бола пакетга солинган заҳри қотилни топиб олган ва уни шакар деб ўйлаб бир чой қошигини сингилчасига берган. Қизалоқни зудлик билан шифокорлар ҳузурига элтишларига қарамай, у йўлдаёқ жон берди. Болаларига бепарволик билан қараганлиги ва уйда наркотик модда сақлаганлиги учун аёл устидан жиноий иш қўзғатилди.

ЭРКИН

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

XXII

Байт, 1748 йил, 16 феврал
Жондан азиз
болажоним!

(...) Мен кайфу сафога сарфланган вақтимга асло ачинмайман. Булар ёшликка хос ва мос бўлган хурсандчиликлар эди. Агар шуларни бошимдан ўтказмаганимда, ҳозир айшу ишратга юқори баҳо берган бўлардим. Чунки биз одатда ўзимиз кўрмаган-билмаган нарсаларни бениҳоя қадрлаймиз.

Кайфу сафо қадаҳларини тула-тук сипқорганим учун ҳам мен унинг асл баҳосини биламан. Одамлар кўпича маишатга ортиқча аҳамият беришадди. Шунингдек, зарур юмушларга сарфлаган вақтимга ҳам асло ачинмайман. Ташқаридан қараганда, бу нарсалар инсонни мафтун қилгудек куринади. Бироқ ишининг ҳам, ҳордиқнинг ҳам асл моҳиятини уларга қийнандириш ошмо бўлганлар тушунадилар. Кайфу сафо ва меҳнат лаззатининг барча сиру асрорларини тоғиб кўрган одам сифатида, мен дунёдан хотиржам кетишим мумкин.

Бироқ мен ҳамиша ёшлик чоғимда бекорга кетказган вақтларим энди ҳеч қачон қайтиб келмаслигидан афсусланаман. Булар уйинқароқлик оқибатларидир, ҳар бир дақиқани фойдаланишга сарфласанг, улар жамланса улкан самара беради, беҳуда ҳавога совурилган фурсатлар эса қайтиб келмас бойликка айланади. Шу боисдан инсон ҳар бир сонияни фойда келтирадиган ишга са-

рфласа, бундан ўзи ҳам завқланади. Мен «вақтни фойдаланишга сарфла», деганимда, фақат жиддий нарсалар билан машғул бўлишни назарда тутаяётганим йўқ. Албатта, ҳордиқ чиқариб туриш ҳам муҳим. Бундай онларда киши ўзини жамоа орасида қандай тутиши лозимлигини ўрганади,

истак, интилиш бўлса бас. Деярли ҳар бир киши маълум бир нарсани бошқаларга қараганда яхшироқ билади ва бу ҳақда гапириш имконияти тутилган заҳоти у мамнуният билан сўзлаб беради. Ҳамиша излан, ахтар, деган муқаддас ақидаларни доимо ёдингда тут. Одамлардан бирор

ни кечириш лозим. Дунёдаги барча дин ва мазҳаб тарафдорлари ҳам якякю ягона Яратганга сийгинадилар. Сигинишдаги хилма-хиллик эса мазҳаб қилишга сабаб бўлмайди. Ҳар бир мазҳаб ўзини ҳақ деб ҳисоблайди ва мен бу дунёда уларнинг қайси бири ҳақ эканлигини аниқлаб бероларидан одил ҳақамни кўрганим йўқ.

Қаерда бўлсанг ҳам шу давлатнинг даромадлари, ишлаб чиқариши, савдо-сотиғи ва полицияси ҳақида маълумот тўпла. Маълумотларни ишончли манбалардан олиб махсус дафтарга ҳафсала билан ёзиб бор.

Сал бўлмаса едимдан кутарилай дебди: уша давлатларнинг адлия органлари тугрисида ҳам батафсил маълумотлар тўплагин. Ҳақиқатан ҳам у ерда барча судлар очик тарзда ўтказилса, сен уларда қатнашиб ишининг боришини диққат билан кузат ва ўзингча муҳокама қилиб бор.

Мени фақат бир нарсаси безовта қилади, холос. Сендан ҳар соҳада камолот чуққисига эришишининг талаб қилмоқданаман, аммо, биламанки, бунга ҳали ҳеч ким мушарраф бўлмаган. Бас шундай экан, жилла курси, имкони борида камолотга яқинлашувининг истаинман. Унга элтидиган турғи йўлдан бораётган сендан бошқа кимсани билмайман. Зеро, ўқиб, ўрганиш ва тарбияланиш учун бошқалар сендек қулай имкониятларга эга бўлишмаган, бунинг учун ҳеч кимга сенга ажратилгандек катта куч ва маблаг ажратилмаган.

Баъзан ширин орзуларга чўмаман, баъзида эса шубҳалар остида эзилман. Аммо бир нарсаси ишончим қомил: Сен отанг, учун ё катта кулфат ёки улкан бахт келтирасан...

(давоми бор)



одамларнинг феъл-атворларини тушуниб етади. Ана шундай фурсатлардан ҳам самарали фойдаланиш лозимлигини ёдингдан чиқарма. Мен хурсандчилик пайтлари ҳам, ишда ҳам ўзлари учун қониқиб, шод хурамлик тополмайдиган анча одамларни биламан. Улар хушчақчақ кишилар билан учрашганлари учун ўзларини ишратпаёт, аслида ҳеч вақо қилмасаларда, маълум бир вазифалари борлиги учун эса ўзларини ишбилармон ҳисоблайдилар.

Нима билан шуғулланишининг қатъий назар қўл учиди ишлашга урганма. Ҳар бир ишни ҳамиша кунту сабот ва ҳафсала билан бажаришга одатлан. Чала бажарилган иш ёки илм вақт беҳуда кетганини кўрсатади. Ҳатто бу нарсаси одамни адаштириб, охири-оқибат қаттиқ уялтириб қўйиши мумкин.

Муайян соҳада аниқ билим ва тажриба орттиришининг мумкин бўлмаган биронта жой ёки даврани учратиш қийин. Фақат

нарсаси сураётганингда ўзининг қанчалик софдил ва қизиқувчан тутсанг, улар сен билан шу қадар самимий бўладилар. Қолаверса, хушмуомалалик ҳам бу уринда катта аҳамиятга эгадир. «Кечирасиз, саволларим билан сизнинг энсангизни қотирётган бўлсан эҳтимол, бироқ бу ҳақда бошқа кишидан батафсил жавоб олишим мумкин бўлмаганилиги учун сизни безовта қилишга мажбурман», қабилидаги сўзлар билан мурожаат этсанг, ҳар қандай одам ҳам сендан ўз вақтини аямаслигига ишончим қомил.

Сен лютеран мазҳабидогилар мамлакатда яшаёсан. Фурсатдан фойдаланиб, улар худого қандай сийғинишларини кузат ва аъёнларини ўрган. Мен йўлингда учраган барча немис черков ва ибодатхоналарига киришининг маслаҳат бераман. Бироқ одамлар ибодат қилишайётганини кузайтганида уларнинг хатти-ҳаракатлари сенга ноҳуя ва гайритабиий туюлмасин, асло устиларидан қўлма. Агар инсон ўзи билмаган ҳолда адашайётган бўлса, улар-

ИХЛОС — ИЙМОННИНГ ИЛДИЗИ

«Қизиқ-ку, ботиний-ички, руҳий ҳодиса бўлиши Иймонда илди э нима қилсин?», — дейиши мумкин баъзилар. Ҳа, азиятлар, пайгамбаримиз Мухаммад (С. А. В) ва уларнинг кетидан уламои киромлар Иймонни мажозан улкан бир дароҳатга ухшатишган. Авенки, илди э қаттиқ шикастланса, бора-бора дароҳт қуриб қолади, ўтинга айланади. Иймон-этиқод масаласида ихлос ҳам бамисоли дароҳтнинг ҳаёт-мамотини ҳал қиладиган илди э вазифасини ўтайди. Шундай экан, Ихлоснинг ўзи нима, деган савол туғилади ўз-ўзидан.

РУҲИЯТ ВА ИХЛОС

Оғзаки нутқимизда ва адабий тилимизда қўллангилардан ҳар бир сўз теварак-атрофимиздаги турфа моддий-ҳисмоний ва руҳий-самовий нарсаси ҳодисаларини атамаси, белгисидир. Масалан, Ихлос инсон руҳиятидаги олам амридан. Оламини яратмасдан бурун Аллоҳ Тоборақа ва Таоло инсон руҳиятини яратган ва ундан аҳд-ваъда олган. Қуръони Каримда келтирилган ҳабарга қўра, Ҳақ Субҳонаху Таоло ушунда бўлажақ инсониятдан, яъни Одам оти авлодидан: «Сизларни парвардигорингиз мен эмасму?», — деб сўраганида руҳларимиз бир оғиздан: «Ҳа, биз бунга гувоҳлик берамиз», — дея жавоб қилишган экан. Қаломуллоҳда ибтидода бўлиб ўтган бу савол-жавобнинг сабаби ҳам изоҳлаб берилган. «Биз бунга бепишанд эдик, деб юрманг, тагин Қиёмат кунда» дея оғоҳлантириб қўйган ушунда Тағри Таоло. Биз баъдалларга руҳ ва руҳият ҳақида бундан ортиқ маълумот берилмаган. Маълум бўлдики, инсон руҳияти Илоҳиёт билан боғлиқ бўлиб, сир-синоатларга лиммо-лим гайб олами маъданидандир. Бинобарин, Ихлос ҳам Илоҳий Руҳият таъсирларидандир.

Шундайликка шундай-куя, аммо бобокалонимиз мавлоно Лутфий Ҳазратлари марҳамат қилганидек:

Мени шайдо қиладургон бу кўнгулур,
бу кўнгул,
Хору расво қиладургон бу кўнгулур,
бу кўнгул.

Нега, нима учун, не сабабдан кўнгул инсон фарзандини бир-бирига бутунлай эид ҳолатга гирифтор қилади? Чунки одамзот дунёга келган онидан тортиб то умрининг сўнгги дамигача узидан ташқаридидаги нарсаларга, чунончи моддий-заминий (Одам алайҳис саломнинг суратлари қора балчиқдан ясалиб, қуритилганини эсланг!) ҳақда руҳий-самовий (балчиқдан ясалган суратга руҳ пуфлаб қиритилган, у жонлидан кетганини хотирланг!) нарсаларга эҳтиёж-талаб (инсон табиатидаги ана шу зиддиятчи қўш негиз туғайли унинг эҳтиёж-талаблари оқилона-раҳмоний ёхуд бузуқ — ҳайвоний-шайтоний бўлиши мумкин) сезиб, уларга доимо интиқ бўлиб, интилиб яшашига маҳкумдир.

Кўнгул фаолияти ана шу турфа хил эҳтиёж-талабларнинг қондириш-қондирмаслик имкониятларининг мавжуд-номавжудлиги муносабати билан юрак тубидан қалқиб чиққан ранго-ранг ижобий ёки салбий кечинмалар (мамнуңлик, ҳузур-ҳаловат, нафрат-ғазаб, ҳазар-жирканиш сингари туйғулар) ва шу асосда юзага келади дунё ва одамларга муайян муносабат (яъни яхши-ёмон амал, ҳулқ-атвор, иш-ҳаракат) билан боғлиқ бўлади.

КўНГИЛ ҲАҚИҚАТИ

Бениҳоя ранг-баранг эҳтиёж-талабларни қондиришда инсонга келиб чиқибди илоҳий бўлиши унинг руҳияти, аниқроғи кўнгули, ақли ва иродаси асқотади. Инсон руҳиятининг илоҳийлиги унинг уламслиги ва абадийлигида. Дарвоқе, ҳозирги замон фани, чунончи, биокўвват бор деб аталмайдиган соҳаси Қизил империя даврида узоқ йиллар қуруқ ҳаёлот меваси, гайри илмий, диний уйдирма деб, тургидан-турги инкор этиб келинган гайб олами, руҳлар олами ҳарост мавжудлигини замонавий техник асбоблар воситасида тасдиқлайди ва баъзи бир тадқиқотчилар бевосита латиф руҳлар, арвоҳлар билан мулоқот қилишга киришдилар.

Омонат макон-вуҷуд (бадан, тана) шаҳрида вақтинча истижомат қилар экан, инсон руҳиятидаги унсурларнинг ҳар бири бошқа-бошқа хизматни адо қилади. Масалан, кўнгул подшоҳлик, ақл вазиралик, ирода эса фармонбардорлик вазифасини ўтайди. Бу подшоҳнинг ақли иродадан ташқари, унинг амру фармонларини баҳо келтирадиган фуқарою лашкарлари ҳам борми, деган савол туғилиши мутлақо табиий тарзда. Ҳа, бор! — дея жавоб қилишди барча пайгамбару уламои киромлар. Кўнгул вуҷуд аталмиш бир бутун шаҳар-мамлакатни ақлу ирода воситасида муваққат бошқарар экан, ўз олий мақсади — Охират соодатиға эришмоқ тадориқларини куради. Аҳадият даргоҳига манзур ва муносиб ишларни бажариб, яъни Охират озқуларини тайёрлаб беради. Вақт-соати етган, у омонат вуҷудни тарк этиб, аслиятига қайтади.

Бироқ подшоҳ кўнгулнинг бу беш кўнглик дунёдаги мусофирлик ҳаёти ақлу иродага сунъий ўз фуқарою лашкарларини (киши ву-

жудидидаги ташқи ва ички сезги органларини, баъдандаги барча-барча аъзоларини) қаттиқ низоом билан итвомда тутиб, уларнинг турғи йўл бир томонда қолиб, эгрисига уриб кетишларига имкон бермаслик тадориқларини қўриш билан ўтади. Чунки уша тоёб булган фуқаро лашкардан ҳар бирининг ўзига хос яхшию ёмон сифату феъл-атвори бўлиб, бу ҳол подшоҳга таъсир этмай қўймайди. Натижада у ўз мурод-мақсадиға ё эришади ва ё эришолмай ҳалокатга учрайди.

Кўнгул тақдирига хос бу зиддиятчи ҳолатнинг сабаби, имом Ғаззолий Ҳазратларининг фикри муборақларича, инсон табиатининг мураккаблигидандир. Чунончи, инсоннинг ахлоқи турт унсурдан — ваҳший-ҳайвоний, шайтонийлиги фаришталар ахлоқидан таркиб топади. Булар ҳар бирининг асосий гизоси, тирикчилик тарзи бошқа-бошқа бўлади. Масалан, ҳайвонларнинг дарди ёлғиз еб-ичиш ич бушатиш ва жимъ (қовушиш)дан, ваҳшийларники талашиш-тортишиш, уришиш; қон тукиш-ўлдиришдан, шайтонларники макру ҳийлага зўр бериш физку фасод қўзғашдангина иборат бўлади. Атойи Худо булган ақл эса фаришталар ишини қилишга интилади: ҳамиша илму уламоларни дуст тутати, ҳалқ орасида эзгулик ва аҳиллик ахтарди, ёмон ишларга қўл ўрмайди, турли тубанликлардан ўзини олиб қочади, жоҳиллар ва нодонликдан ор-номус қилади ва ҳоказо.

Қисқаса, деб марҳамат қилдилар имом Ғаззолий Ҳазратлари, одам табиатида бамисоли турт нарсаси — итлик, тўнғизлик, шайтонлик ва фаришталик сифат-хислатлари мавжуд. Бироқ салбий сифат-хислатларини батамом йўқотиб бўлмайди. Мабодо шундай қилинса, вуҷуд шаҳри барбод бўлади. Шу боис подшоҳ — кўнгул ўз тобеинларини Ақлу Ирода ёрдамида шундай бажариши лозимки, итлик, тўнғизлик ва шайтонлик сифатлари ривож топиб, устиворлик қилсин. Бу эса подшоҳ-кўнгулдан ўзининг доимо ўсиб боруви эҳтиёж-талабларини, хоҳиш-истакларини ҳамиша

оқилона жилаб, ўз нафсига, ўзлигига қарши ўзлуқсиз курашишини тақозо этади. Лундаси, инсон кўйиб берса ҳеч қандай ҳаду чегарани тан олмайди ўз нафсига истак-хоҳишларини мутлақо ҳокими, Иймоннинг эса қули бўлиши лозим. Иймон эса инсон руҳиятининг — кўнгулнинг ўзагидир.

Ҳаётбахш илмийот бўлақларидан сув ичган мумтоз адабиётимиз ва фольклоримиз кўнгул муаммосини ўзига хос тарзда талқин ва тавсиф қилади. Бунга қўра инсон кўнгули пок ё бузуқ, оқ ёки қора бўлади. Оқу пок кўнгул тахтида Иймон-Раҳмон подшолик қилиб, ўз фуқаро лашкарини Эзгулик ва Адолат, Нафосат йўлидан юришга ва шундан ҳузур-ҳаловат топишга ундаса, бузуқ ва қора кўнгул тахтида Шайтони Лаъин султонлик қилади ҳамда ўз тобеинларини турли-туман ярамаслигу тубанликлар сари етаклаб, шундан лаззатланишга одатлантиради, алал оқибат кўнгулни ҳалок қилади.

Эҳтимол, кўнгулнинг бундай талқин этилишига Ҳазрати Расули Акрам (САВ)нинг қўйидаги ҳадиси шарифлари боис бўлган-дир: «Ҳар одамнинг бир шайтонни бордир. Ва менинг ҳам шайтоним бордир. Ва лекин Худои Таоло мени ул шайтонга голиб қилибдир. Шайтон менинг қаҳр ва ғазабим илқидан асирдирки, менга ҳеч осиб ва зарар еткази олмас». Ул Ҳазрати Акрам яна бир ҳадиси шарифларида кўнгул — қалбнинг хусусияти ҳақида шундай марҳамат қилганлар: «Жасада бир парча гушт бор, агар у яхшиланса, жасаднинг ҳамма аъзолари яхшиланади, агар бузилса, аъзоларнинг ҳаммаси бузилади. У қалбдир».

(Давоми бор)

Миён Содиқ РАББОНИЙ



ОТА

Болалигимда эртака уч эдим. Чироқ учунча акамлар билан роса эртақ айтишардик-да, чироқ ўчгач, ваҳимага тушардим. Гўё ҳозиргина гаплашган эртақдаги ялмоғизлар деразадан термулиб тургандек туюларди. Ваҳимага тушиб курпага уралиб олардим. Терлаб, пишиб кетардим. Шунда ташқаридан отамнинг йўталган овози эшитиларди. Бу овозни эшитганим ҳамона таранглашган асабларим бўшашиб, ухлаб қолардим. Бу овоз менинг далдам, қувончим эди. Отамнинг машинаси овозини ҳам узоқдан танирдим. Бу овозни эшитганим ҳамона ташқарига отилардим.

— Машинангизнинг келаётганини етти чақиримдан билади-я, — деб куларди отам.

Отам кеч келган тунлари ҳам қурқув ила деразага термулиб, уларни кутардим. Кейин сарой эшик гичирлаб, қадам товушлари келар, отамнинг гулдурлаган овози эшитиларди.

— Ҳалиям ухламадингми, Чапоқвой, — дея эркаларди отам.

Гоҳо тиззаларига ёнбошлаб, отамнинг овқатланишини кузатганча уйкуга кетардим. Эркалаб, силаб-сиплаб ўрнимга ётқиизишни яхши курганим

учунгина отамнинг йўлига кўз тикиб утирардим.

Ўшанда уйлардимки, ҳамма оталар бирдек, жамики оталар фарзандларига шундай меҳр курсатади. Кейин билсам, адашган эканман...

Илк бора шахарга келганимда, бақатда ичиб олган бир ота ҳали она сути оғзидан кетмаган қизини шундай сукмоқда эдики, қизалоқнинг ёшга тўлган кўзларини куриб менинг ҳам кўзларимга ёш келди.

Минг аламки, қизчага кумак беришга ожиз эдим.

Шу ҳам отами? — дея уйлагандим аламдан...

Ётоқхонада яшайдиган бир қиз бор эди. Бекаму кўст яшарди. Гузал, хушмуомала эди. Уй сотиб олди. Бир оилага керакли нарсалар, қақир-қуқир, ясан-тусан, бари бор.

Бироқ у болани ёқтирмасди. Қақри қаттиқ эди. Шовқинга, болаларнинг бозорига тоқати йўқ эди.

Кейин маълум бўлдики, болалар уйда тарбияланган экан.

Бир куни ёрилди:

«Отамни яхши курардим. Онам жижзакироқ эди. Сал нарсасига шовқин-сурон кутарарди. Охири ажра-

лишди. Мени, синглим ва укамни болалар уйига бериб, бахт излаб икки ёнга кетишди. Биз бахтдан бебаҳра бегуноҳлар эса қақшаб қолавердик.

Отам гоҳ-гоҳ йўқлаб турарди.

«Отанг келди», десалар ҳамма нарсани унутардик. Уйинчоқлар ҳам, овқат ҳам кўзимизга қуринмасди. Бирдан қорним тўйиб қолар, ҳеч нарсасига қарамасдим.

Тушларимда отам устимни ураб қуярди. Тушларимда уйимизда юрардим.

Хар тонг кўз очсам, болалар уйда ётган булардим.

Шундай хафа бўлиб кетар эдимки!

Отамизнинг олиб кетишини кутакута дийдам қотди. Муъжиза юз бермади. Аксинча, одамларга бемехр бўлиб қолдим. Меҳрсиз яшаш қанчалар қийинлигини кўплар билмайдилар.

Ўртада боласи туриб ажралишганларни курсам, жоним хиқилдоғимга келади. Уларни бўғиб қўйгим келади».

Шу гапдан кейин қиз бечоранинг аҳволини англаб етдим.

Мана шунақа, фарзандларини меҳрга зор қилган «инсон»нинг ҳам ота номи бор.

Автобуга бир аёл чиқиб Назарбекни суради. Одамлар ўз билишганича тушунтиришди. Бу сарсона муштилларнинг ёлғизгина фарзанди бор экан. Эри маст ҳолда жанжал кутариб, беш ёшли ўғлини деразадан отиб юборибди. Фарзандга шикаст етмабди, бироқ қўрққанидан тилдан қолибди. Энди эса вилоятга кета олмай, Назарбекдаги қариндошлариники излаб юрибди.

Мана шу икки оёқли мавжудотнинг ҳам ота деган номи бор.

Бир одамни биламан. Сийратидан



от хуркади. Дурустгина қалами ҳам бор. Сипоғина, рисоладаги бир инсон. Бироқ унинг уч фарзанди билан оиласини ташлаб кетиши ҳаммани таажжубга солди. Баҳонаси шу: «Хотиним мени беҳурмат қилди. Мелиса қақириб қаматмоқчи бўлди». Уртадан нима гап утгани уларнинг ўзига аён. Бироқ шунинг учун уч фарзандни ташлаб кетиш! Ақл бовар қилмайди.

Гапираверсам, юрагим куяди ҳолос.

Азизлар, ҳамма нарсанинг ибтидо-си, илдизи оилада. Тарбиянинг бошланиши, инсонийликнинг илк куртаклари, одамгарчиликнинг шакли — шаймоили шу ерда шаклланади. Қуш уясида курганини қилади, дейдилар. Ҳақ гап. Палапонларимизга инимизда камиллик сабоғини бермасак, фикирлаш бахтидан, дунёни англаш салоҳиятидан сабоқ бермасак миллатимиз юксалиш йўлидан илгарилар олмайди.

Инчунун, буларнинг барчаси даставвал оталарга боғлиқ. Ота сўзининг, Атодан, Одам Атодан мерослиги ҳам бежиз эмас.

Абдурахмон ЖўРА

Одамийлик сабоқлари

ЎЙЛАМАЙ АЙТИЛГАН СЎЗ...

Сиз бир оғиз сўзнинг куч-қудратини ҳеч ҳис этганимиз? Инсонни жар ёқасига олиб бориши ҳам, аксинча жар ёқасидан қайтариши ҳам мумкин, шу бир оғиз сўз! Халқимизда «Бугдой нонинг бўлмаса ҳам бугдой сўзинг бўлсин» деган ажойиб нақл бор. Лекин, уша «бугдой сўзи»ни ҳаммаям бир-бирига раво қуравермайди. Бир-бирдан яхши сўзини қизғонадиганлар ҳам орамизда йўқ эмас.

Биз эшитиб улгайган ривоят-эрталарда ҳам яхши сўзнинг қудрати тафсириф этилган. «Йигит ўрмонда адашиб, ялмоғизнинг қулбаси олдида чиқиб қолади. «Яхши утирибсизми, бувижон?» дейди у ялмоғизга салом бера туриб. «Ҳозир шу йигитнинг жонини оламан» деб тишини қайраб утирган ялмоғиз бу сўздан эриб кетади, дарҳол йигит олди-га дастурхон ёзади...

Менинг катта онам мақолу-маталларга жуда уста эдилар. Гап орасида мақолларни қалаштириб ташларди. Ёзининг ойдин кечаларида, тоқсурида катта онам ўз тенгқур дўгоналари билан узоқ суҳбат қуришарди. Мен уларнинг суҳбатларини бир чеккада эшитиб утирардим. Бир куни катта онам қайсидаер воқеани гапириб бўлиб, ёнидагиларга «Қурдинларми, қўл югурги — ошга, тил югурги — бошга» деб шуни айтишарди-да, ургиларди. Қадимда, бир оғиз сўз билан бутун шахар вайрон бўлган экан» дедилар. Ўшанда болалик қалбим билан «наҳотки бир оғиз сўзга бутун бошли шахар бузилса» деб ажабланганман. Йиллар ўтиб англадим: мақолу-ривоятлар замирида катта ҳаёт ҳақиқатлари ётаркан!

Ҳақиқатда катта аёл таҳририятга — мени йўқлаб келди. Бошидан утган бир савдони гапириб берди: — Биласизми, опа-жон, қадимда уйламай гапириб қўйгани учун улимга маҳкум этилган бир йигит дор тағига борганда, арқонни бўйиндан чиқариб, «мени тилимдан осинлар, мени шу ерга, улимга етаклаган тилимдир» деган экан. Мен ҳам бир оғиз сўзни уйламай айтиб қўйиб, азобини тортиб юрбиман. Барбири энди кел... (У йўқлаб юборди!). Эрим билан орамиз сал бузилиб қолди. Мен енгиллик қилиб уч-тўртта кийимимни тўғдим-да ота уйимга жўнавордим. Ахир, онамнинг эрка қизи эдим, турмуш қийинчиликларига чидамадим. Эрим бир-икки келди, рўйхуш бермадим. Бир куни отаси билан келди. «Менга сенинг бир оғиз сўзинг керак, — деди эрим. — Мана, отам гувоҳ. Сизларникига қатнайвериб, элу-юртдан уятла қолдим. Ахир, сени уриб-сўққан бўлмасам... Айт, мен билан тасанним ё йўқми!» Унинг қаттиқ-қаттиқ гапиргани негадир гашимга теғди. (Менга ота-онам

ҳеч қаттиқ гапиришмаганди). Яна эркалигим тутдим, ё бошқа сабаб биланми, хуллас «Йўқ, кетмайман!» дедим. Шу-шу индамасдан ота-бола чиқиб кетишди. Орадан яна бир ой ўтди. Бир куни эшитсам, эрим уйланибди! Ўшандан бери қон йиғилмади, опа. Нега ўшанда этагига осилиб кета қолмади? Ахир эрим ёмон одам эмасди-ку. Нега шундай қилдим? — Нега-ларга жавоб топиш ҳамма вақт осон кечавермайди. Мана шу «нега»лар қанча-қанча инсонларнинг юрагидега ярага айланган, аслида. Хеч битмас яра у... Инсон умрининг ўзи ҳам савол аломатига ўхшайди, гўё ашайсан, нега яшаётганини билмайсан. Эътиқоднинг қургони қанчалар мустаҳкам бўлмасин, гоҳо узинг истамаган ишларга бош қўшасан, узингга ёт сўзларни сўзлайсан. Сўнг узингга-узинг «нега шундай қилдим?» дейсан. Гоҳо ўз-ўзингнинг овутирасан ҳам. «Хом сўт эмган бандамиз-да» дейсан.

Шу йилнинг бошларида ҳали ёши элликларга ҳам бормаган қўшним тўсатдан вафот этди. «Соппа-соғ юрвудик» деб ҳамма ҳайрон бўлди. Маъракалар ўтди. Бир куни у кишининг аёлини қуриб қолдим. Тасалли бердим. Йиғлади... «Бинийдек юрвудилар, шу иш ҳам қуриб кетсин. Ишхоналарда кўнгил хиралик бўлган экан, уша қуни...» деди. Аёлнинг айтишича, институтдаги катта мажлисда — бутун бошли жамоа олдида эндигина иш бошлаган янги бошлиқ унга «Сиз фанга адашиб кириб қолган экансиз! Бу ерда нима қилиб юрибсиз, ўзи?» деб ўш-қурибди. Қўшним катта олим, юзлаб илмий рисоалар чиқариб улгурган фан фидойиси эди. Умрини фанга бахшида этган, илмнинг тупроғини ялаган кишига уша «биргина гап» ёмон таъсир қилган, юрагини ўшлаб мажлисдан чиқиб кетгану...

Биз бир-биримизни ҳаммаша асраб-авайламоғимиз зарур. Чунки умринг ўзи қисқа. Ножуя ҳаракатимиз, уйламай айтилган сўзимиз билан кимгадир озор бериб, унинг умрини яна ҳам қисқартирмоқдан не маъно? Бир-биримизга шафқатли, меҳрли бўлмоққа не етсин! Ҳаёт шодлик ва қайғулардан иборат. Шодликку осон ҳазм бўлади, аммо қайғу-чи? Қайғу инсон юрагини қоронғу ўрмонга айлантиради. Биз шу ўрмонга яхши сўзимиз билан нур бўлиб киролсак, бир инсоннинг соғлигини, умрини асраб қолган бўламиз. Бунинг савоби нечоғлик улғи!

ҲАДИСДАН: «Кимки ўзгалар дилини огритса, кечирилмас гуноҳга йўл қўйган бўлади... Кимки бошқаларга раҳму-шафқат қилмаса, унга ҳам ҳеч ким раҳму-шафқат қилмайди!».

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Соғлом танда соғ ақл

ОҚСОҚОЛ БИЛАН БЕЛЛАШАСИЗМИ?

Одатда 60 ёш нафақа ёши ҳисобланади. Бу ёшга етган кишилар тоат-ибодатга астойдил киришадилар. Айримлари ёшлар билан учрашшини хуш курадилар. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қария Амир бобо ҳам айнан олтимиш ёшга киргач, намоз ўқий бошлади. Айни чоғда спорт билан шуғулланишга астойдил киришди. Дастлаб оқ қўйлак кийиб, кучада югуриб юрган Амир бобони курганлар ҳайратдан ёқа ушлашди. Уни ақлдан озганга чиқарганлар бўлди. Аммо бобо гап-сўзларга парво қилмади. Ҳатто Самарқанднинг «Динамо» стадионида келиб югура бошлади. Югурган-даям мана ман деганларни орда қолдириб югурди. 400 метрлик масофани 2 минутда босиб ўтади. Бобо тош кутаради. Турникка осилади. Икки қўлини ерга тираб, 25-30 марта энгашади. Отахон бизнинг ҳайҳайлашимизга қарамай уч бармоғини ерга тираб

22 марта энгашиб турди. Отахондан тер чиқмади. Аммо Амир бобо Иноятонинг ҳаракатларини куриб бизни тер босди.

Отахоннинг яна бир фазилати бор. У саксон ёшни қоралаб бораётганига қарамай республика қишлоқ ва шахарларини гоҳ пиёда гоҳ уловда айланади. Яқинда отахон Навоий ва Бухоро вилоятларида ҳам бўлди. У доимо ёшлар билан учрашади. Уларни дадил, чаққон, қўрқмас бўлишга ундайди. Югуришнинг фойдаси ҳақида гапиради.

— Ёш утган сайин яшариб бораёпман, — дейди отахон биз билан хайрлашаётиб.

Сўнг автобус бекати томон югуриб кетди.

Оппоқ соқоли кўксига тушган отахонга ҳавасу ҳайрат билан қараб қолдик.

М. МАРДИЕВ

Тадбиркор оилалар

«ШАРИФАХОН» ТАКЛИФ ЭТАДИ



Сухбатдошим: Шарифахон Абдугофурова. 1954 йилда туғилган. 1978 йилда Бухоро савдо техникумини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1974 йил Ҳамза туманидаги 20-сон озиқ-овқат дуконидан сотувчиликдан бошлаган. 1994 йилда Тошкент шаҳар Ҳамза туманида «Шарифахон» хусусий корхонасини ташкил этади. Оилали. Икки фарзанднинг онаси.

— Шарифахон опа, суҳбатимизни нимадан бошлашни истар эдингиз?

— Замондан... Мустақилликдан ва мустақиллик шарофати билан бозор иқтисодиётига утиш даврида ишбилармон ва тадбиркор кишиларга яратиб берилаётган шарт-шароит ва енгилликлардан... Кейинги тўрт йил ичида олдинлари биз уйлаб тасаввуримизга ҳам сизгидира олмайдиган ишлар рўй берди. Шуро тузуми даврида хар бир соҳа учун (ясалганми, яратилганми) қолиплар парчаланди. Мулк эгаларига қайтарилди. Истаймизми, истаймизми, барибир шахсий манфаатдорлик бор жойда иш ҳам унумли бўлади, ана шунга эътибор кучайтирилди. Узи, ишласанг тишлайсан, деган нақл худди

бугунги кун учун айтилган-ов.

— Хусусий корхона очиш фикри сизда қачон туғилган эди?

— Тўғриси айтсам, хусусий мулкчи бўлиш ҳақида ҳеч уйлаб курмаган эдим... Собиқ Иттифок даврида ҳам шу дуконда ишлардим. 1994 йилнинг айна саратон палласида дуконда таъмирлаш ишлари олиб бораётган эдик. Шунда ходимларимиздан бири «Опа, келинг, дуконни таъмирлаб бўлганимиздан кейин хусусий қилиб сотиб олинг» — деб қолди. Шу сабаб...

— Шарифахон опа, кўнглингизга олмангу, лекин нима учун корхонага «Шарифахон» деб ном қўйддингиз?

— Ўз исмим билан атаганим сизга ҳам эриш туюлдиёв. Ростини мен корхонанинг бундай номланишига қарши эдим. Уни қизим Саидахоннинг исми билан аташ ниятим бор эди. Хужжатларни расмийлаштираётганимда ҳамкасбларим «20 йиллик меҳнатингиз сизга... келинг хусусий корхонангизни ўзингизнинг исмингиз билан атай қолайлик» — дейишди... Корхонамиз тармоқлари кенг кулоч ёйса, албатта, бир булимни қизимнинг номига қўяман.

— Корхона фаолияти, сотувдаги маҳсулотлар ҳақида...

— Муовиним Абдугани Исломов,

бош ҳисобчи Нина Поздникова ва Роза Абдиевалар, ходимларимиз Рустам Саидхонов, Карим Норкузиев, Қаҳрамон Деҳқоновлардан кўнглим тўқ. Улар ҳамиша корхонанинг келажагини уйлаб ишлашадди.

Сотувдаги маҳсулотлар... аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб 8 хил озиқ-овқат моллари, саноат моллари ва кичик бир бўлимимизда атир-унпалар билан савдо-сотиқ қилаёмиз.

Мақсадимиз халқимизнинг талаб ва истакларига таяниб сифатли маҳсулотларни уларга ўз вақтида етказиб бериш. Йўқса... Бозор иқтисодиётининг қонун-

ларидан бири бўлиши — рақобат ҳеч кимга шафқат қилмайди.

— Оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Мен ўзимни бахтли аёл деб ҳисоблайман. Турмуш ўртоғим Муродбек ака ҳам савдо ходими. Улар ўзимни ҳам, ишимни ҳам жуда яхши тушунадилар, Муҳтож пайтимда ҳамиша ёрдам берадилар. Ўғлим Бахтиёржон шу йил Тошкент автомобил йўллари олийгоҳини тугатди. Қизим Саидахон ҳали ўрта мактабда ўқийди. Келинимиз Дилфузахон ва набирамиз Дилбархон эса оиламиз қувончи.

— Оммавий ахборот воситала-

рида берилаётган рекламага муносабатингиз қандай?

— Ростини айтиш керак, бизда ҳали рекламанинг қадрига етишмайди. Яна бирон йил утин, кейин...

— Келгусидаги режа ва орзулар...

— Бисёр. Энг биринчиси корхона иш фаолиятини кенгайтириш. Кейин... кейингисини вақт курсатади.

Ҳа, Шарифахон опа ўзи айтгандек ўзбекнинг бир бахтли аёли. Ҳамиша иш, оила ташвишлари билан банд бўлади. Вақтни жуда қадрлайди. Шунинг учун бўлса керак шахсий енгил машинаси ҳамиша хизматига шай туради. «Бир пайтлар ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олгандим, жуда асқотаяпти-да» — дейди...

Биз опа билан оиласига тинчлик, ишига ривож тилаб хайрлашдик.



Баҳриддин АБДУ САИД
Суратлар муаллифи: Ҳамид СУЛАЙМОН



«МУЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ» ТОШКЕНТДА

Ва ниҳоят гап-сузга чечан, ҳазилкаш, тиниб-тинчимас Ле-ня амаки пойтахтимизга ташриф буурди. Ҳар жума Россия жамоатчилиги телевидениесининг «Поле чудес» телеуйини орқали хонадонимизга кириб келадиган Леонид Якубовичнинг азим Тошкентга келиши унинг ашаддий ишқибозлари учун ростакамига байрамга айланди. Хуллас, 21-22 октябр кунлари Халқлар дўстлиги саройини тўлдирган томошабинлар Леонид Якубович бошловчилигидаги «Муъжизалар майдони»нинг Тошкентдаги махсус сонида фаол иштирок этдилар.

Дастлаб Америкада шаклланиб, сунгра Европа, Россияга ва ниҳоят Ўрта Осиёда илк бор Тошкентга кириб келган бу кўнглиочар уйин «Капитал шоу» купчиликнинг қалбини забт этгани шубҳасиздир.

Телетомошабинлар эса тез орада Ўзбекистон телевидениесининг теледастурлари орқали бу уйинни қуришга муваффақ бўладилар. Демак, мухлислар Леонид Якубовичнинг Тошкентга қанақанги «приз», янгилик, кайфият олиб келганлигидан огоҳ бўладилар. Унгача... тўғри топдингиз, РЕКЛАМНАЯ... ПАУЗА.



Обуна — 96

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

Ҳаш-паш дегунча октябрь ойининг ҳам 25 кун ортда қолди. Демак, республикамиз газета ва журналлари 1996 йил учун обуна бошланганига 25 кун бўлибди. Демокчимиз, ўзингиз севиб ўқийдиган нашрларга тезроқ обуна бўлиб қўямасангиз, кейин кеч қолишингиз мумкин.

«Оила ва жамият» газетаси келгуси йилда ҳам хонадонингизга ҳафта сайин кириб боришига, ҳамда сизнинг дилкаш ҳамсуҳбатингиз бўлишига умид қиламиз. Боболаримиз «Бугунги ишни эртага қўйма» деганлар. Ишончимиз комилки, сиз ҳам ана шу ўғитга амал қилган ҳолда, шу бугундан кечиктирмай газетамизга обуна бўласиз.

Обуна баҳоси куйидагича:
3 ойга — 79 сўм 95 тийин
6 ойга — 159 сўм 90 тийин
1 йилга — 319 сўм 80 тийин.

Обуна индекси: 64654.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»ГА
ОБУНА БУЛИШНИ УНУТМАНГ!

Тошкент шаҳар Собир Рахимов тумани

солиқ инспекцияси томонидан Фавзов Шамсиддин номига берилган №034902 рақамли қайд гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оила 35 ёшда

Самарқанддан (ҳозирда Тошкентда яшайди), оиласидан турмуш ўртоғи бошқа миллатга мансублиги боис келишолмай ажрашиб кетган. Касби — ишчи. Табиати юмшоқ, оқкунгил, баъзини йигит. Болаларни, оилани жуда севади. Гар худо насиб этса, узига муносиб бир мунисани учратса, у билан оила қуриб, бир умрга бахтли-саодатли яшаш умидида. Агар Тошкент шаҳридан бўлса янада яхши. «Оила-424».

Кўзгудаги ўзимиз

СИЗ ҲАМ УНИ ТАНИЙСИЗ

Дунёда бировнинг тақдирига аралашидан нохуш иш бўлмаса керак. Мана, хоҳишимдан ташқари рўй берган «хотим хизматим» туфайли анча вақтдан бери юрагим ёнади. Уша воқеалар ёдимга тушса, кайфиятим бузилиб, атрофимдагилар кўзимга ёмон кўриниб кетаверади. Йўқ, мени ҳеч ким алдамаган ёки ҳеч кимдан қарздор ҳам эмасман. Хуллас, бировнинг тақдири кўз унгида барбод бўлиб кетаверса, унинг қийноғидан қочиб қутула олмас экансан. Яхшиси, ҳаммасини бир бошидан сўзлаб берай.

Меҳнат таътилида қариндошларим ҳузурига бир оз дилимни ёзай, деб борганимда, бу ерда ҳам мени хизмат қилиб турган экан. Гап орасида кенноним овозига пардоз бериб, бир бева аёлни жиянларига тушириб келганларини, бироқ «келин» тезда барча бисотни олиб, кетиб қолганини айтиб, шуни боплаб ёзишимни ўтиниб сўради. Аслида, эр-хотин машмашаларига тобим йўқ, бу «фронт»нинг иштирокчиларини жиним суймайди. Одамлар зил-замбил муаммоларга ечим топиб турганда бир ёстиққа бош қўйган икки банди-ожишнинг келишолмай қийинчи тушуна олмайман. Қолаверса, эр билан хотин ўртасида учинчи бир кишининг воситачилик қилиши ҳудди кечаси ухлайётганида бегона одамнинг бошинида қоровул бўлиб турганидек гап. Бироқ мендек «тоғига» суяниб турган мезбонларнинг илтимосини ерда қолдириб бўлмасди.

...Кўёв ёзиб берган шикоятноманинг мазмунини содда эди: «кенноий» совчиликни буйнига олиб, Тошкентдан бахти қаро бўлиб келган қўшнисига уйланишни таклиф этади. Эракнинг ҳам хотини кетиб қолган, аёл ҳам бошидан кўп сиру-савдолар ўтказиб, «огзи куйган». Зора, икки шикаста дил бир бутун бўлиб тинчиб кетишса. Одатдаги борди-келдилардан кейин тўйга келишлади. Фақат келиннинг шартини оғирроқ, у ҳамма нарсани биринчи никоҳдек ўтказишни талаб қилади. Йигитнинг юрагидан уриб қолган эканми, ҳаммасига рози бўлади. Қарз кўтариб, дабдабали тўй қилади. Унта машина билан қайдга боришади, ярим кун шаҳар айланиб, боғларда сайр қилишади, кечкурун оз кишилик базм. Буларнинг ҳаммаси яхши, бироқ келин тушмагур қўёвга «қўлини ҳам ушлабмай», уч кун деганда кетиб қолади. Худди келишилганидек, кетар кунни мўйловли, бақувват 3-4 йигит машина билан келиб, бутун бисотни юклаб ҳам кетишади. Шундай қилиб, «қўёв» кекса онаси билан қарзга ботиб, хувиллаган ҳовлида қолиб кетаверади. «Аёлни-ку, бунга вафо қилмаслиги аниқ экан, — дейишди менга, — у садқаи сар, сиз ҳеч бўлмаса ҳаражатининг ярмини қизнинг отасидан ундириб беринг».

Шунча жиддий гаплардан кейин сукут сақлаш мумкин эмас эди, ўзимнинг ҳам «мухбирлигим» жушиб кетди.

Туманда хотин-қизлар масалалари билан шуғулланадиган опа ҳам

роҳлигида «воқеа жойи»га ташриф буюриб, гувоҳларни қақриб, вазиятни обдон ургандик. Аҳвол мен уйлагандан анча чигал экан. Аёл ҳақиқатан шаҳар кўрган, анча пишиган, шаддодлик билан уввос тортиб, ўзига нам юқтирмасди. Гўёки уни мажбурлаб узатишган, ёлмаган киши билан эса яшамайди. «Унақада нега тўйнинг барча икки-чакирларигача бажаришни талаб қилдингиз, рангли суратга тушибсиз, видеога олдирибсиз, ўзингиз «миқ» этмай базм оқшоми қўёв бўлмишнинг ёнида оқ либос кийиб утирган экансиз», деган эътирозга эса «Тазйиқ қилаверсанглар, ҳозир ўзини улдираман» деб таҳдид билан жавоб беради. Аёлнинг бўйнидан гуноҳни соқит қилиш учун ўзини ҳар куйга солиши қанчалик ғазабимни кўзгатмасин, унга сидқидилдан ачиниб кетдим. У ҳам қора, узун киприклари, орасидан ёш дувиллатиб, бироз бугиқ ва синиқ овозда уз тақдирини куйиниб сўзлаб, қайта-қайта «менга яшашнинг қизиги қолмаган», деб такрорларди. Инсоф билан айтганда, у битта рўзгорни обод қиладиган гўлдек жувон эди. Ҳусни баркамол, абжир-эпчиллиги кўриниб турибди. Ўз кучи билан институтга кирибди, уйдагиларга оғирлиги тушмаслиги учун кечалари кир юйиб, фаррошлик қилибди. Шу орада турмушнинг оғир юки остида нозик жисми букилган, ишонувчанлиги туфайли эса оғзи куйиб қолган. Гўлгун орзуларга тўлиб-тошган қизни ҳамюрт йигитлар кетма-кет алдаган. Аҳволни эса уйдагилардан яширган. Бу орада ота-онаси каттагина қалин олиб, бир аспирант йигитга унаштириб қўйган. Бу пайтда у бошқа бир талаба йигитдан ҳомиладор бўлган. Аспирант билан қайддан ўтиб, тўй бўлгач, сир очилиб қолади ва уйдан қувилади. Талаба эса фарзандини тан олмайди. Бу орадаги руҳий қийноқлару тирикчилик азобларини изоҳлаш ортиқча. Йиллар ўтиб, таҳсил ҳам тугайди ва касби бўйича туманда синов муддатини ўтаётганда юқорида эслатилган тўй бўлиб ўтади. Аслида аёл шу пайтларда ҳам қайсидир идорада ҳуқуқий маслаҳатчи бўлиб ишлайётган эски таниши билан яқин муносабатда бўлган.

«Текшириш»ларимиз бирор натижа беришига ишонмай, ҳайр-маъзурни насия қилиб, кенноийга ҳам кўринмай қайтиб кетдим.

Орадан бир йил ўтгач, тасодифан ҳуқуқий маслаҳатчини қўриб қолдим. Табиий, суҳбатимиз аёл ҳақида бўлди. Тўй барбод бўлгандан кейин унинг ҳам бошига маймун-

нинг кунини солибди. Бўйдоқ йигитга «уйланасан» деб туриб олибди. Иш жойига бориб, роса тўполон кўтарибди, охири маслаҳатчини ҳам ишдан ҳайдаттирибди. Тугилган иккинчи фарзандига нафақа тўлашни унга қонунлаштирибди. Унинг кейинги тақдири билан қизиқдим. Қишлоқдан келиб, Тошкентдаги қайсидир ётоқхонада икки қизи билан яшаётган экан. «Тўғриси, яна бир синфдошимнинг бошини айлантириб юрибди», деди суҳбатдошим.

Бу — нима, адашган кишининг фожиасими ёки енгилтаклими? Аёл менинг ҳисобим бўйича бешинчи эракнинг тақдирида чигал из қолдираётди. Инсон тақдири билан шунчалар уйнашиш... Бу ўйиннинг интихоси борми?

Аёлни қанча қораламай, уни ёмонламай, кўз олдимга бармоқлари титраб, бокира тўйгуларини, дипломли бўлиш учун тортган азобларини ҳаяжон билан ҳикоя қилаётган уша сўксурдек жувон келаверади ва қалбимда «У бир йигитнинг бахти, ширин бир рўзгорнинг бекаси бўлиши мумкин эди» деган армон садо беради. Афсус...

Тўғри, ҳар ким йўлини ўзи танлайди. Бироқ ҳамма ҳам меҳрини, қолаверса, бир оғиз ширин сўзининг гадоси. Фақат ҳаммасини унутишга, ҳаммасини янгидан, пок ният билан бошлашга куч топилаармикан? Эзгуликнинг эса кечи бўлмайди, дейишади.

Халил СУЛТОН

Тахририятдан:

Азиз газетхонлар! Мана сиз юқорида бир инсон тақдири билан боғлиқ воқеа тафсилоти билан танишдингиз. Бу ҳақда, сизнинг фикрингиз қандай? Хатларингизни кутамиз.



Табассум жозибаси.

DEPАЗА

АДАШГАН БАНДАЛАР

Вилнюс шаҳри яқинидаги ўрмонда қўзқорин териб юрган маҳаллий аҳоли Афғонистон, Покистон ва Сомалидан келган бир гуруҳ кишиларни учратди. Булар Европада «бахтли ҳаёт» излаб кетган қочқорлар бўлиб, уларни Москвадан Оршагача поездда, сўнгра шу ўрмонга автобусда олиб келишган экан. Энди қочқорлар билан Литва полицияси шуғулланаяпти.

ГРАНАТАНГ БЎЛМАСА ҚИЙИН

Ростов вилоятининг Волгодонск шаҳрлик пенсионер чол «олтин тоғлар» ваъда қилиб ўзининг 11 миллион рублини олган, энди эса қайтариб беришни истаётган ишбилармонларни жазоламоқчи бўлди. Шу мақсадда уларнинг офисига қўлида граната билан бостириб кирди ва пулини қайтариб беришмаса, ўзини ҳам, уларни ҳам порлатиб юборишини айтди. Утакаси ёрилган ишбилармон жаноблар нима қилишларини билмай шошиб қолишди. Яхшиямки, милиция ўз вақтида етиб келиб чолни тинчлантиришга ва гранатани олишга муваффақ бўлди.

ОҒОҲЛАНТИРИШНИ УНУТИШДИ

Октябр ойининг бошларида Сахалин вилоят телевидениесига омончилар бостириб киришди. Кейин маълум бўлишча, бу борйўғи ўқув машқи экан, ҳамда телевидениеи террорчилар босиб олган вазиятда қандай ҳаракат қилишнинг йўллари ишлаб чиқиладди. Фақат омончилар телевидениедагиларни олдиндан оғоҳлантириб қўйишни унутишгани озроқ тушунмовчиликка сабаб бўлди.

БИРИНЧИ ЎНЛИК ВАКИЛИ УШЛАНДИ

Уюшган жиноятчиликка қарши кураш Москва вилоти ҳудудий бошқармаси ходимлари Бош ҳарбий прокуратура билан ҳамкорликда 43 ёшли Сергей Лалакинни қўлга олди. У кўпроқ «Лучок» лақаби билан маълум ва машҳур бўлиб, Москва вилотида фаолият кўрсатаётган 9 та йирик жиноий гуруҳдан бирининг бошлиғи. Шунингдек, Лучок обрусига кура Россия мафияси вакиллари билан биринчи ўнлигига кирар экан.

БАРЧА ЙЎЛЛАР АҚШГА ЭЛТАДИ

Яқин вақтларгача шу йил 20 март кун Токио метросида минглаб одамларнинг захарланишига сабаб бўлган зарин моддасини «АУМ Синрикё» сектаси Волгограддаги химия заводларининг биридан олинганлиги ҳақида кўп гапирилаётган эди. Лексин сектанин яқинда қўлга олинган раҳбарларидан бири Рира Хаяса бу захарли моддани ишлаб чиқариш технологияси мафий йўллар орқали АҚШдан сотиб олинганлигини айтди. 1988 йилдан Нью-Йоркда фаолият кўрсата бошлаган «АУМ Ю Эй-Эс» компанияси асосан ҳарбий саноатдаги, биохимия соҳасидаги замонавий технологиялар ҳақида маълумотлар тўплаш билан шуғулланган ва уларни мунтазам равишда Японияга жўнатиб турган.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Ўзингизни синаб кўринг

КИМНИНГ ТАЪБИ ҚАНАҚА?

Мутахассислар эркакнинг қалби-га унинг ошқозони орқали ҳам йўл топиш мумкин, деб бекаларга бежиз эслатишмаган.

Буни қарангки, россиялик тиниб-тинчимас астрологлар эркакларни-нг қайси юлдуз буржида туғилган-лигига қараб, қанақанги таом, саб-завот ва меваларни ҳуш кўришини қуйидагича ифодалаганлар.

1. Куй (21 март — 20 апрел)

Куй мучалидаги киши организми таркибида кўпроқ темир, калий моддаси бўлган сабзавот ва меваларни талаб қилади. Булар шолғом, қарам, кашнич, исмалоқдир. Куй мучалидагилар гўштни-нг қора жойи-ни, айниқса, пиёз ва саримсоқ билан қовурилганини ёқтиришади. Ле-кин кўп миқдорда эмас. Чунки куй мучалидаги эркаклар серкувват ов-қатларни кўп тановул қилса хиё-нат қилишлари мумкин.

Шунингдек, улар жигар, бошоқ-ли ўсимликлар, қўзоқли сабзавот-лар (ловия, нўхот), картошка, ба-нан ва қуруқ меваларни яхши кура-дилар. Энг яхши курган таомлари эса жигардан қилинган таомлардир.

2. Сигир (21 апрел — 21 май)

Бу мучалдагиларга аввало қув-ватбахш озиқлар керак бўлади. Айниқса, дармондориларга бой бўл-ган бошоқли ўсимликлар, қўзиқор-ин, қарам, помидор, селдерей (барги ва илдизи овқатга солина-диган ўт), ёки кашничдан тайёрлан-ган шўрва жудаям фойдалидир. Етилиб пишган малина, гилос, қи-зил брусника (майда мевали бута ўсимлики), анжир, шафтоли, тарвуз

ва цитрусли мевалар уларнинг жо-ни-дили. Бузоқ мучалидагилар кол-басадан ўзини тийиши ва ширинлик-лардан ўзоқроқ бўлишлари керак.

3. Эгизак қиз (22 май — 21 июн)

Бу мучалдагилар турли хил салат-ларни маъқул кўришади. Организми фосфор талаб қилгани боис, уларга қўзоқли сабзавотлар, қўзиқорин, ён-ғоқ, сули ёрмаси тавсия қилинади.

4. Қисқичбақа (22 июн — 23 июл)

Қисқичбақага организмнинг таянч қисми бўлган суякларни мустаҳкам-лаш учун йод моддаси керак. Маълумки, йод моддаси кўпроқ сув-да юрадиган жониворларда бўлади. Балиқ, устрица ва денгиз моллюска-лари шулар жумласидандир. Шуни-нгдек, пишлоқ, мевалардан узум, тарвуз, шафтоли, ўрик тавсия қи-линади.

5. Арслон (24 июл — 23 август)

Арслон буржидагиларга олтингу-гурт ва магний моддалари кўп маҳ-сулотлар керак. Бунинг учун эса бо-дом, бошоқли ўсимликлардан бўл-ган таомлар, турп, кашнич, қарам ва шолғом истеъмол қилинади. Ци-трусли мевалар, ўрик, анжир, хурмо (айниқса хурмода магний миқдори анча юқори) мақсадга мувофиқдир. Гўшт маҳсулотларидан эса товук гўш-тини хуш кўришади.

6. Бошоқ (24 август — 23 сентя-бр)

Бошоқ мучалидагилар калций ва олтингурут моддасига эҳтиёжманд бўлишади. Шунинг учун бекалар уларни сутли маҳсулотлар, тухум, турли хил ёрмалар, қўкатлар, пиёз, турп, цитрусли мевалар, олма, нок,

олхўри ва ҳар хил анжирлар билан сийласалар уларни-нг қалбига тез йўл топадилар.

7. Тарози (24 сен-тябрь — 23 октябрь)

Тарозига тарки-бида олтингурут ва фосфори кўп маҳсу-лотлар керак. Тухум,

қуритилган сабзавотлар, қўзиқорин, ёрма, шолғом, кашнич шулар сира-сига қиради.

Тарозига енгилгина дудланган гу-шт маъқул. Аммо у чўчка гўшти ва ёввойи паррандалар гўштини тано-вул қилишдан ўзини тийиши керак. Кўпроқ узум, хурмо, бодом истеъмол қилиш тавсия қилинади. Тарози ме-валар ичида олмани хуш куради.

8. Чаён (24 октябрь — 22 ноябр)

Уларнинг организмга темир ва магний моддалари зарур. Бунинг учун бу мучалдагилар исмалоқ, шол-ғом, кашнич, пиёз, қуруқ мевалар-ни, жигар ва тухумни истеъмол қи-лишлари лозим. Саримсоқпиёз улар-нинг қонини тозалайди ва бошқалар-дан ажралиб турадиган шиддатли температурина уйғотади. Унга ан-жир, бодом, хурмо, пишлоқ айнаи муддао.

9. Ёй (23 ноябр — 21 декабр)

Худди Чаённикига ухшаб темир ва қолаверса натрий ёй буржидагилар организмга керак бўлади. Буни қу-катлар, доривор ўтлар таркибидан олиш мумкин. Улар айниқса ровоч-ни хуш курадилар.

10. Тоғ эчкиси (22 декабр — 20



январ)

Бу буржидагиларнинг организми-да магний ва калцийга эҳтиёж ба-ланд. Улар пишлоқ, сут, тухум, су-ли ёрмаси, қўзоқли сабзавотлар, гу-руч, қарам истеъмол қилиш билан бу эҳтиёжни қондира олади.

11. Қовға (21 январ — 19 фев-рал)

Қовганинг фосфор ва натрийга бўлган талаби юқори. Бу моддалар эса кўпроқ донли ўсимликларда бу-лади. Айниқса гуручда. Шунинг учун гуруч энг севган таомидир. Балиқ, бошпиёз, қўзиқорин, мевалардан узум, майиз, ўрик, смородина, тут улар учун муҳим.

12. Балиқ (20 феврал — 20 март)

Балиқ буржидагиларнинг орга-низмга йод ҳамда олтингурут му-ҳим. Шунинг учун бекалар уларни устрица, моллюска, жигар, дудлан-ган треска балиғи билан озиқлан-тириши керак.

Бу белги остида туғилганларга кўпроқ балиқ тавсия қилинади. Шу-нингдек, шолғом, пиёз, ёнғоқ, қо-воқ уруги ва майизни хуш куради-лар. Аммо уларнинг энг севгани — пирожнийдир.

А. САФАРОВ тайёрлади

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Аввал қуйида таърифланган сўзларни шаклнинг ички қисмидаги хоналарга кўрсатилган йўналиш бўйича ёзинг.

Юқоридан паст томон ўнгга: 1. Энг улғу бахт, иқбол. 2. Болаларнинг ёзги уйини. 3. Жанубий Ҳиндистондаги йирик шаҳар, денгиз бандаргоҳи. 4. Тарихан ташкил топган, тили, худуди, анъаналари ягона кишилар гуруҳи. 5. Ҳукумат ойнамаси. 6. Сув ёки шамол кучи билан айланадиган қуракли содда қурилма. 7. Матбуот ходими. 8. Филиппин давлатининг пойтахти.

Юқоридан пастга томон чапга: 1. Бир авлодга мансуб бўлган давлат ҳукмдорлари. 2. Сўнгги якун, натижа сўзлари маънодоши. 3. Отангдан улғу (мақолдан). 4. Билим маскани. 5. Қимматбаҳо тош, зеб-зийнат буюми, ашёси. 6. Маълум ишни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти асосида ишлаш усули. 7. Геометрик шаклнинг ўқ чиқиқлари кесишган нуқта. 8. Ов қуроли.

Ёйлар бўйича: 9. Ҳодисалар тарихи баёни, солнома. 10. XIX аср қорақалпоқ шоири, «Бузатов» тарихий қаҳрамонлик достони муаллифи. 11. Ўзбек ҳайвоншунос олими. «Зооюлогия қомуси» муаллифи. 12. Бирор шахс ёки давлат номидан иш юритиш учун берилган ҳуқуқ. 13. Овланадиган йирик қуш. 14. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Авлодлар довои» романи муаллифи. 15. Бухоро яқинида жойлашган шаҳар харобаси. 16. Ўзбек маърифатпарвар адиби, «Иштирокиюн» рўзномасининг илк муҳаррири.

МУАММОНОМА

Қуйида яширинган очкич асосида муаммономани ҳал этинг. Бунда атоқ-ли форс-тожик мутафаккир шоири, олими Умар Хайём-нинг бир байт ҳикмати аён бўлади.

Очкич:

1. Тўрт мисрали, тугал маъно ифодаловчи шеър — 3,7,4,16,6,13.

2. Рангли металл — 8,2,1,2,13.

3. Уруги новвойликда ишлатиладиган хушбўй бир йиллик ўсимлик — 10,11,5,2,12,2.

4. Вақт ўлчови — 20,2,18,19,2.

5. Жисмоний қувват — 17,7,9.

6. Қазилма ёқилғи — 17,14,15,6,3.

Фозилжон ОРИПОВ



Рейтинг

УЯТЧАНЛИККА НИМА САБАБ БЎЛАДИ?

Уятчанлик — фақат инсонга хос бўлган фазилатлардан биридир. Ана шу фазилат инсонни янада қўрқамлаштириши бежиз эмас. Руҳшўнослар ўтказган тадқиқотларнинг кўрсатишича, қуйидаги омиллар инсонни уятчанликка олиб келар экан.

1. Нотанишлар	70%
2. Бошқа жинсдагилар	64%
3. Нуфузли шахслар	55%
4. Қариндошлар	21%
5. Кексалар	12%
6. Дўстлар	11%
7. Болалар	10%
8. Ота-она	8%

Соғлом ва гўзал бўлай десангиз

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

23. УШТРАСАН

Важрасан шаклида одёл ёки гиламда утириб, тизза-ларингизда туринг. Тиззаларингиз ва болдирларингиз қўлларингиздан алоҳида жойлашинг: қўлларингиз каф-ти қорнингизда ва қўлларингизнинг бош бармоқлари белингизда турсин. Белингиздан орқага эгилинг ва қўл-ларингиз билан болдирларингизни ушланг. Белингиз ёйсимон букиلسин. Бу ушбу асанни мукаммаллаштира-ди. Меъёрида нафас олинг. Бир оз вақтдан кейин да-стлабки ҳолатингизга қайтинг.

Фойдалари: Уштрасан кўкрак, юрак ва упкалардаги касалликларнинг даволани-шига ёрдам беради. У ошқо-зон касаллиги ва бел огри-гига ижобий таъсир этади. Семизликни йўқотиб, орқани эгилувчан қилади. Уштрасан ошқозонни турли хил дард-лардан асрайди, овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради. У сон, тизза, қўл, бел, орқа ва буйинни тўғри ҳамда расо қи-лади.



МИНИАТЮРА УСТАСИ

Бу одамнинг бахти шундаки, уни курганда ҳатто кулмасликка қасам ичиб қўйган кимсанинг ҳам лабини бир четида табассум пайдо бўлади. Ўзбекистоннинг бирор чеккасида унинг ижросидан завқланмаган одам топилмас керак. Ҳа, баъзан катта унвон соҳиби бўлиш мумкин, лекин маълум бир доирадан ташқарида уни танимасликлари мумкин. Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримовни эса барча доирада бирдек танийдилар, ҳурмат қиладилар, агар маълум бир муддат кўринмай қолса, хавотир оладилар. Бир инсон учун бундан ортиқ бахт борми?

Бир вақтлар Тошкент кўчаларини чангитиб, болалар билан тўп суриб юрганида ёки мактаб саҳнасида туриб тенгдошларини қўлдириб юрганида тақдирнинг бу қадар танитилигидан баҳраманд бўлиш ҳаёлига келганмиди! Қайда дейсиз, у вақтда ҳали Эргаш ака қандай қилса, яхши созанда, гижжакчи бўла олиш ҳақида уйларди, яхшигина суратлар чизарди. Бирок тақдир азалда Эргаш Каримовнинг пешонасига Санъат институтига кириб ўқиш, у ерда умрининг, эҳтимол, ижодининг мазмунини бўлган Розахон билан танишиш эзилгани рости бўлиб, институтни тугатгач, ҳаёт оқими уни ўз йўлидан олиб кетди.

Бугунги кунга келиб Эргаш Каримовни Роза Каримовасиз, бу тиниб-тинчимас аёлни эса машҳур миниатюра устасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунинг иложи ҳам йўқ. Чунки уларни нафақат ҳаёт, балки ижод ҳам чамбарчас боғлаб туради. Зеро, уларнинг ҳаёт ва ижод китоблари биргалда битилмоқда. Сузи — сузига, қарши қарашига мос бу икки санъаткорни йиллар кўз имосидан бир-бирини тушунишга ўргатди. Ана шу тушуниш саҳнада ҳам уларни қўллаб келмоқда.

Ушбу санъаткорлар оиласининг эшиги ҳамма учун ҳамиша бирдек очик. Қачон останада ичкарига қадам босманг, Роза опа сизни самимият, юзида табассум билан қарши олади. Бу хонадонда кўп бор бўлганман, самимий, дилдор инсонлар суҳбатини кўп тинглаганман. Ҳар сафар бирор яхшилиқ олиб кетаман бу хонадондан. Эргаш ака банд вақтида секин Роза опадан турмуш уртоқлари ҳақидаги фикрларини сурайман.

— Нима десамикин, акангизнинг бошқалардан ажралиб турадиган фавқуллоҳда хислатлари йўқ. Ҳамма эркаклар қатори иш, уй-рузгор ташвиши билан бандлар. Айниқса, муҳлис-ларининг кўнглини қолдирмаслик учун жиддий изланадилар.

— Болаларга муносабатлари қандай?

— Биласиз, иккита фарзандимиз бор, Эркинжон ва Озодахон. Эргаш акам уларни меҳр билан воёга етказдилар, ҳеч қачон қаттиқ урушганларини, силтаб ташлаганларини эслолмайман. Улар билан юмшоқ муомалада бўлардилар, ҳозир ҳам шундай.

— Фарзандларидан бирортаси отаона изидан бормаганига афсусланмайдиларми?

— Бу саволга ўзлари жавоб бера қолсинлар.

— Нега энди афсусларнакман, — дейди Эргаш ака суҳбатимизга қўшилиб. — Ҳар кимнинг ҳаётда ўз урни, қизиққан соҳаси бор. Мана, ўғлимиз Эркин. Ёшлигидан унинг табиий фанларга қизиқиши катта эди. Шунинг учун Тошкент Политехника институтига кириб ўқиди. Аспирантурани эса Болгарияда тугатиб келди, техника фанлари номзоди, ҳозир «Технопарк»да директор бўлиб ишлайди. Қизим ҳам худди шундай. Урта Осиё медицина педиат-



рия институтини тугатиб, Медицина билим юртида ёшларга сабоқ бермоқда. Эҳтимол, булар ҳозирги касблари билан одамларга кўпроқ нафлари тегаётгандир.

— Машҳур одамнинг қизи бўлиш қийинми, осонми? — деб сураймиз Озодахон.

— Нима десам экан. Унисиям, бунисиям. Машҳурлик кўпроқ кишига масъулият юклайди. Ахир, фалончининг боласи бўлиш осонмас! Чунки ҳамманинг кўз унгида турасиз, ҳамма сиз билан қизиқади. Очиғи, ҳам ижод билан муттасил шугулланиш, ҳам бизни эл қаторида воёга етказиш ота-онамиздан кўп фидойилик талаб қилади. Биз ана шу фидойиликка муносиб жавоб беришимиз керак.

Ҳа, Эргаш ака, қизлари айтганидек фидойи, боз устига ниҳоятда камтар, камгап одам. Телевизорда кўравериш пишиб кетган одам Эргаш ака билан суҳбатлашиб ҳайрон қолади. Чунки аксар саҳналарда сўз воситаси билан муҳлислар қалбини ром этган бу одамни гапиртириш осонмас. Айниқса, ўзи ҳақида гапиртириш кўпм. Ёқтиравермайди, гапни ижодга, маънавиятга, санъатга, айниқса, ўзи салкам 40 йилдан буюн хизмат қилиб келаётган миниатюрага буриб юборади.

Эргаш Каримовнинг миниатюрадаги илк ижоди 3-4 дақиқалик ҳажвий лавҳалар тайёрлашдан бошланган. Кейинчалик эса «Телевизион миниатюралар театри» ташкил этилиб, Эргаш ака унинг асосчиларидан бири бўлиб қолди. Ҳақли равишда «Ўзбекининг Райкини» деган номга сазовор бўлди. Агар бирон россман дилдан қўлдириш осон эмаслигини назарда тутадиган бўлсак, Эргаш Каримовнинг санъатдаги хизматлари баҳоси равшан бўлади.

Эргаш Каримов шунчаки қўлдириш

учун оддий масхарабозлик қилмайди, кулги кучини ҳамиша бир мақсадга йўналтиришга интилади. Шунинг учун ҳам у киши иштирокидаги миниатюраларни қайта-қайта қўришдан томошабин зерикмайди. Ҳатто жуда кўплар санъаткорнинг лўқмаларини ёддан айтиб юришади. Биз ҳаммасини санаб ўтирмаймиз, бунинг иложи ҳам йўқ. Фақат «Ошхонанинг мушуги», «Тескари ҳикоя», «Гизгизон», «Столба», «Калит», «Шоир Жуқи», «Иғвогар», «Совун хиди», «Пахтакор» ютганда ва ютказганда», «Телефон машмашаси», айниқса «Биринчи муҳаббат» кабиларни эслашнинг ўзи кифоя. Булардаги мазмун у ёқда турсин, ҳатто баъзи ҳолатларга чато томошабинга ёд бўлиб кетган. Халқимиз чин маънода Эргаш Каримовни севади, у билан фахрланади. Бугун 60 ёшини қаршилаб, ортида шундай ажойиб ижод йўли турган санъаткор ҳар қанча гурурланса арзийди.

— Албатта, утган умримдан миннатдорман, — дейди Эргаш аканинг ўзи. — Халқимизнинг бу қадар ҳурмат — эътиборидан бошим кўкка етади. Ўзбеклар санъатсевар халқ. Қўринг, бугун қанчалаб ёш истеъдодлар санъатнинг турли соҳаларига, жумладан кулги бўстониға ҳам дадил кириб келяптилар. Улар орасида менинг ҳам шоғирдларим борлигидан гурурланиб кетаман.

Ҳа, Э. Каримовнинг хонадони ҳар бир бошловчи қизиқчини ўз қадрдон одами, фарзандидек қарши олади. Мирза Холметов, Обид Асомов, Хожибой Тожибоевлар ҳам унинг қадрдон укалари бўлиб кетишган. Яна бу ёқда қанча ёшлар бор. Ҳаммалари санъаткор ҳузурига «уста», деб кириб келадилар.

Олтишига кирган бўлса ҳам Эргаш Каримов бир кун бекорчи ўтирган эмас. Ҳамиша ижод, изланиш билан банд. Бу изланишларда эса у кишининг энг яқин кўмақдоши Роза хоним.

— Нимасини айтасиз, — дейди Эргаш ака. — Роза хоним борлар, бизнинг уйдан, болалардан кўнглимиз тўқ. Агар шу вақтгача нималарга эришган бўлсам, тенг ярим хизмати шу кишиники. Мени ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳамиша қўллаб-қувватлаётдилар. Ойлада ўзаро ишонч, тушуниш, ҳурмат, оқибатда гап кўп.

Дарҳақиқат, оиланинг аҳиллиги — қўт-барака гарови. Эҳтимол, Эргаш Каримовнинг бу қадар машҳур бўлиб, юрт меҳрини қозонишига бир чеккаси оилапарварлиги, «уйим-жойим» дейиши сабабдир. Тўртта жажжи набиралари ҳар тарафдан қўраб, уйини обод қилганида дили нурафшон бўлиб кетади Эргаш аканинг. Айниқса, кенжатоий Умиджоннинг кузларида ўз ёшлигини кургандек бўлади. Назарида худди шу набираси унинг ишини давом эттирадигандек. Бу ширин яшарин орзунинг рўёбга чиқиши эса Эргаш Каримов меҳнатларининг самараси бўларди. Илоийм шундай бўлсин, санъаткорни ўша кўнларга етказсин.

Гулҳебра УМАРОВА.

Сўнгги устун

ҚОРАМОЛЛАР ПОЙТАХТИ

Россия Федерациясининг Витебск вилояти Дубровно шаҳарчасини Россияликлар «Қорамоллар пойтахти» деб аташмоқда. Иқтисодий қийинчиликларни бошидан ўтказётган дубровноликлар қорамолларни қўлайтириш билан астойдил шугулланганликлари туфайли шаҳарда қорамоллар сони жуда ҳам кўпайиб кетди. Ҳозир бу ерда сут берадиган ситирлар сони минг бошдан ошиб кетди. Маҳаллий маъмурият шаҳарликларни тўғри тушуниб етарли даражада яллов ва пичан ажратди. Энди ҳар бир дубровнолик хонадонда сут маҳсулотлари мўл бўлади, деган мишмишлар юрибди. Лекин, ялловга кетган оналаридан олиб қолинган бузоқларнинг шаҳар бўйлаб сайри кўчаларда транспорт ҳаракатини тўхтатиб қўяётгани шаҳар маъмуриятини яна бир ташвишга қўймоқда.

ЧЎТЛАР МУЗЕЙИ

Бу музей Хитойнинг Чжецзян вилояти Миньхай шаҳрида жойлашган. Унда 500 дан ортиқ Хитойда ва чет элларда ишлаб чиқилган чўтлар кургазмага қўйилган. Экспонатлар шуниси билан манзурки, улар орасида қумушдан ясалган, ўлчови 10х5 миллиметр, миттигина чўтдан тортиб, ёғочдан ясалган, ўлчови 625х168 сантиметр, оғирлиги 1008 килограмм келадиган чўтгача бор.

АЖДАР ҲАМЛАСИ

Малайзиянинг Жоҳор штатида 29 ёшли кишини узунлиги 7 метр келадиган илон ўтиб юбораётганда полициячилар милтиқдан тўрт мартаба ўқ узиб тўхташиб қолишди. Ярадор илон ўлжаси билан яширинишга ҳам ҳаракат қилиб кўрди. Бу улкан илон одамга тўғридан тўғри уйи атрофида ҳамла қилган экан. Унинг оғирлиги 140 килограмм, диаметри эса 25 сантиметр чикди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича илонларнинг одамларга ҳамласи дунёда жуда кам учрайдиган ҳодиса ҳисобланар экан. Улар одамлардан илжаси борица яширинишга ҳаракат қилишаркан. Энг улкан илон Индонезияда 1912 йилда отилиб ўлдирилган бўлиб унинг узунлиги 10 метр бўлган.

КОНКИ САБАБ ЎЛИМ

Швецияда «Мура» хоккей клуби билан «Брюнес» клуби ўртасидаги учрашув нисҳосига 8 минут қолганда аянчли ҳолда, бир ўйинчининг ўлими билан якун топди.

«Мура» клубининг ҳужумчиси Бенгта Окерблома рақиблари билан тўқнашувда бўйнига келиб теккан тепки зарбидан ҳўшини йўқотди. Аниқланишича унинг бўйини конки чўқур кесиб кетган экан. Шифокорларнинг ўта шонилин ўтказган операцияси ҳам хоккейчи ўлим чангалидан оқиб қололмади.

Швециялик хоккейчиларни ҳам қайғуга, ҳам ҳайратга солган бу воқеа бўйинни химоя қилувчи воситани кийиб ўйинга тушишга мажбур этмоқда. Швеция хоккейчилар ташкилоти хоккей учун жиҳоз ва кийим ишлаб чиқарадиган машҳур «Йофа» корхонасидан бўйинни химоя қилувчи воситадан илгилга 15 минг донга ишлаб чиқадиган сўради.

МАРШАЛНИНГ БИРИНЧИ ОРДЕНИ

Уруш қаҳрамони, маршал Георгий Жуковнинг биринчи ордени қачон олингани барчани қизиқтирса керак. Жуков биринчи мартаба 1921 йил Тамбов губерниясида бош кутарган «Антоновшина» номили антикоммунистик деҳқонлар ҳаракатини бартараф этганлиги учун «Қизил Байроқ» ордени билан таъдирланган экан. Маршалнинг ўзи бу воқеа ҳақида умрининг охиригача йилларида кўп марта яқинларига сўзлаб берган.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси.

МАНЗИПМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Алижон САФАРОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси — 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0462. 23566 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.